2010 ЙИЛ 16 МАРТ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 50 (11.611)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





**2010 йил — Баркамол авлод йили**

**Жисмонан соғлом, ҳар томонлама комил авлодни вояга етказишда спортнинг ўрни муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишга ҳожат бўлмаса керак.**

## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда бунёд этилаётган замонавий спорт иншоотлари, фарзандларимизга соғлом турмуш тарзининг афзаллигини сингдириш борасида спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиб берилаётгани фикримизга далил бўла олади.

Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишиш жараёнида ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга астойдил меҳр қўйганларига гувоҳ бўлдик.

— Мажмуамизда ўғил-қизларимиз шахмат, шашка, стол тенниси, баскетбол, футбол, бокс, енгил атлетика, таэквандо билан шуғулланиб келмоқда, — дейди мажмуа директори Равшан Юнусов. — Уларнинг жисмоний ва маънавий камолоти, иқтидор ва имкониятларини юзага чиқариш учун барча қулайликлар яратилган. Шартномага асосан ҳудуддаги 159, 28, 242, 233-мактаблар ўқувчилари ҳар куни уч босқичда жисмоний тарбия дарсини шу ерда ўтайди, спортнинг истаган тури билан шуғулланиши учун имкониятлар мавжуд. Туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан яқин-атрофдаги «Қорасарой», «Гуручариқ», «Сағбон» маҳаллалари аёллари ва ёшлари ўртасида кўплаб мусобақалар уюштириб келинмоқда. Айтмоқчиманки, спортнинг ҳар бир оилага кириб бориши учун мажмуамизга аҳолини кенг жалб этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз футбол билан шуғулланаётган ёшларни кузатар эканмиз, спортни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар натижасини яққол кўрдик. Шиддаткор, чиройли ва қизиқарли ўйин кўрсатишга интилиб, чаққонлик билан тўп сураётган болалар билан суҳбатлашиш жараёнида шуни билдикки, шаҳар биринчилиги мусобақаларида қатнашадиган жамоа 2008-2009 йилларда чемпионлик шоҳсупасини забт этган. Спортнинг бошқа турлари бўйича кўрсаткичлар натижаси ҳам болалар спортини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек эканидан далолат беради, албатта.

— Баркамол авлод йилида биз, спорт мутасаддилари зиммасига ҳам катта масъулият юкланган, — давом этди Равшан Юнусов. — Биз шундан келиб чиққан ҳолда иш режаларини белгилаб олдик. Спортчи ёшлар сафларини кенгайтиришга, улар орасидан янги-янги чемпионлар етишиб чиқишига, умуман спортнинг янада оммалашишига астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Яқин кунларда эса мажмуада бадминтон йўналишини жорий этишни режалаштирганмиз.

Бундай шинам, замонавий анжомлар билан жиҳозланган спорт мажмуасида спорт усталаридан сабоқ олаётган ёшларга ҳавас билан боқиб, яна «Истиқлол»да учрашамиз, дея хайрлашдик.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Истиқлол» болалар спорт мажмуаси фаолиятидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

**15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар.**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Сиёсий партияларнинг 2009 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлари билан мажлисда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси М.Тешабоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси Л.Ғуломов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Турсунов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси И.Саифназаров сўзга чиқдилар.

Маърузачилар таъкидладиларки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловлари бўйича муҳим ижтимоий-сиёсий кампанияда фаол иштирок этишлари муносабати билан ўтган йил сиёсий партиялар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. 2009 йил декабрь ва 2010 йил январь ойларида бўлиб ўтган кўп партиявийлик асосидаги эркин, демократик сайловлар натижасида янги чақириқ Олий Мажлиснинг профессионал Қонунчилик палатаси шакллантирилиб, унга мамлакатимиз барча сиёсий кучларининг вакиллари кирдилар. Депутатлар сони 120 нафардан 150 нафарга ошганлиги, парламент ишида Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларининг иштирок этиши янги таркибдаги қуйи палатанинг асосий хусусияти бўлиб, бу депутатлар корпусининг қонун ижодкорлиги салоҳиятини, мамлакатимизда ўтказилаётган кенг миқёсли ислоҳотларни ўз вақтида ҳуқуқий таъминлашга қаратилган, сифат жиҳатидан пухта қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш имкониятини анча оширади.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батафсил муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, миллий қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ сиёсий партиялар фаолиятини ўз вақтида ва тўла молиялаштириш масалаларига давлатимиз, шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг катта эътибори ва ғамхўрлиги туфайли барча даражалардаги ҳокимият вакиллик органлари сайловларига пухта тайёргарлик кўриш ва уларни муваффақиятли ўтказиш, мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш ва Ўзбекистон Республикасининг икки палатали профессионал парламентини собитқадамлик билан мустаҳкамлаш мумкин бўлди.

(Давоми 2-бетда).

**АҚШлик олимни Роғун ГЭСи қурилиши туфайли юзага келиши мумкин бўлган хавфсизликка таҳдид масаласи ташвишга солмоқда.**

## РОҒУН ГЭСИ ВА ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД

АҚШ Миллий Мудофаа университетининг Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази профессори Рожер Кангас Тожикистонда Роғун ГЭСи қурилиши муносабати билан анчайин безовталигини изҳор этди.

— Албатта, Тожикистон электр энергияси ишлаб чиқариш ва сотиш учун иншоотлар барпо этиш бўйича барча ҳуқуқларга эга, — деди эксперт, — бироқ сиз трансчегаравий ҳудудда ишлар экансиз, бу масалалар ўзаро бамаслаҳат ҳал этилиши лозим.

«Мени кўпроқ хавфсизлик масалалари, сейсмик ҳудудда қурилаётган тўғоннинг сифати ташвишлантирмоқда», дея таъкидлади профессор Рожер Кангас.

У бунёд этилаётган йирик гидроэнергетика иншоотининг техник сифати борасида ўз шубҳалари билан ўртоқлашар экан, қуйи оқимдаги дарёларга таъсирини камайтирувчи муқобилларни қидириб кўриш лозимлигини эътироф этди.

«Муҳандис бўлмаганлигим учун техник иншоотлар нақадар «тўғри» эканлигини айтишим қийин. Лекин замонавийроқ технологияларнинг қўлланилиши қуйи оқимдаги дарёларга таъсир кўрсатмайдиган сув омборлари тизимини яратиш имконини берган бўларди, деб ўйлайман», дея таъкидлади у.

Америкалик олим «бу масалаларнинг ҳаммаси минтақа миқёсида ҳал этилиши лозим»лигига ҳам эътиборни қаратди.

«Шунингдек, гидротехник иншоотлар халқаро экспертизадан ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди», дея таъкидлади АҚШ Миллий Мудофаа университетининг Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази эксперти.

**«Жаҳон» АА.**

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар парламент қуйи палатаси муҳокамасига киритилаётган қатор масалаларни кўриб чиқишди.**

**• Кеча Ўзбекистон Экологик ҳаракатида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани уюштирилди. Ушбу тадбир «Ўзбекистон табиати» альбом-китоби ҳамда «Булоқча»—«Родничок» болалар экологик журналининг лойиҳаси ҳамда экология мавзуида нашр этилган янги китоблар тақдимотига бағишланди.**

**• Гулистон шаҳрида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» республика кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида қандай билимга эга эканликларини намойиш этишди.**

**• Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида истеъмол тузини ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона — «YANGIYER-FOOD-SALT» масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсата бошлади. Ушбу корхонанинг ишга туширилиши муносабати билан 10 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Ҳозирда бу ерда тайёрланаётган истеъмол тузи маҳаллий бозорларга етказиб берилмоқда. Ишлаб чиқариш кўламининг ошиши билан корхона маҳсулоти республика бозорига чиқади.**

**• Навоийлик ишбилармон Турғун Шарипов ўз маблағи ҳисобига ногиронлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди. Ҳозирда бу ерда ойига ўртача 10 миллион сўмлик кўрпа-тўшак, чойшаб, ёстиқ сингари 10 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Тадбиркор ташаббуси билан 12 нафар жисмоний имкониятлари чекланган киши доимий иш ўрнига эга бўлди.**

**• Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг масъул ходимлари учун компьютер саводхонлигини ошириш бўйича курслар ташкил этилди.**

**• Жондор туманидаги Ёбонболо қишлоғида болалар кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Жўраев Хушвақт» корхонаси иш бошлади. 8 киши меҳнат қилаётган мазкур жамоа ички бозорга ҳар ойда ўртача 10 миллион сўмлик маҳсулот чиқармоқда.**

### ЖАҲОНДА

**• Фаластин миллий мухторияти исроилликлар томонидан можароли ҳудудда турар жойлар қурилиши давом эттирилар экан, ушбу мамлакат билан тинчлик музокараларини ўтказишга ҳеч қандай асос қолмаслигини маълум қилди.**

**• Покистон ташқи ишлар вазири Шоҳ Маҳмуд Кураший Ҳиндистоннинг қўшни Афғонистон ишларига тобора кўпроқ аралашиб бораётганлиги тўғрисидаги далиллар мавжудлигини таъкидлади.**

**• Европанинг олтита мамлакатида уюшган жиноятчиликка қарши кураш доирасида амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар самарали якунланди. Махсус операциялар чоғида рэкет, одам савдоси, ноқонуний қурол савдоси билан шуғулланган 70 га яқин киши ашёвий далиллар билан қўлга олинди.**

**• АҚШ доллари қийматининг кучайиб бориши негизида жаҳон биржаларида нефть нархининг сезиларли даражада пасайганлиги кузатилди.**

**• Кеча Германиянинг Тюрингия ери ҳудудида ҳукм сураётган ноқулай об-ҳаво шароити туфайли йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериб, 40 та машина бирбири билан тўқнашиб кетди.**

**• Футбол бўйича Россия терма жамоасининг бош мураббийи Гус Хиддинг Туркия футбол федерацияси билан ушбу мамлакатда ишлаш юзасидан шартнома имзолади. Ушбу шартнома жорий йилнинг 1 августидан кучга киради.**

**• «Форбс» журнали ўтган йилнинг энг бой кишиларининг рўйхатини эълон қилди. Унда биринчи поғонада мексикалик миллиардер Карлос Слим қайд этилди. Ушбу йирик телекоммуникация тармоғи соҳибининг моддий жамғармаси 53,5 миллиард АҚШ долларига тенг дея баҳоланди. Иккинчи ўриндан эса компьютер дастурларини ишлаб чиқарувчи Билл Гейтс жой олди. Учликни 47 миллиард АҚШ долларига эга бўлган америкалик Уоррен Баффет якунлади.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

✓ **БУГУН** ўзбек киноси усталари, мухлислар иштирокида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси ҳамкорликларида уюштирилган ижодий конференция 2009 йил давлат буюртмаси асосида суратга олинган фильмлар муҳокамасига бағишланди.

✓ **145-МАКТАБДА** ўқувчилар, физика, кимё, биология фанлари ўқитувчилари иштирокида фанлар ойлиги доирасида уюштирилган очиқ дарс «Ёш кимёгарлар» деб номланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Ёшлар театри ижодкорлари театр ихлосмандлари эътиборига янги саҳналаштирилган «Томдаги скрипкачи» спектаклини ҳавола этишди.

# ТАДБИРКОР

Молиявий ҳимоя

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА МУҲИМ ҲИССА

**Мамлакатимиз Президенти 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарур, деб алоҳида таъкидлаб ўтди.**

— Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш белгиланган, — дейди «Микрокредитбанк» ОАТБ кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш департаменти директори Зулфия Каримова. — Бу, албатта, бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қудратли яратувчи кучга айланмоқда. Юртимизда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги фармонига биноан ташкил этилган «Микрокредитбанк» томонидан берилаётган микросармоялар тадбиркорларни янги ютуқларга бошламоқда. Банк қишлоқ ва шаҳарларимиздаги ҳар бир маҳалла ҳудудига, оила даврасига кириб бормоқда ва улар учун доимий ҳамда ишончли даромад манбалари яратишга кўмаклашмоқда. Мижозларимиз билан суҳбатлашсангиз бунинг гувоҳи бўласиз.

— Тўғриси пенсияга чиққач, уйда ўтиргим келмади, — дейди «Микрокредитбанк» кўмагида яқинда «MUHIM JIHOZ» хусусий корхонасини ташкил қилган тошкентлик тадбиркор Шокир Зияев. — Дурадгорлик ҳунарим боис, уйимда кичикроқ мебель цехи ташкил қилмоқчи бўлдим. Керакли асбоб-ускуналарим бўлсада, ишни йўлга қўйиб олишим учун маблағ керак эди. «Микрокредитбанк» томонидан берилаётган кредитлар бошқа банкларга нисбатан кам фоизли эканлигини кўриб, йиллик 3 фоизли 2 миллион 800 минг сўм бошланғич микросармоя олдим. Шу маблағ асосида ишни бошлаб, турли шкаф, ошхона жамланмаси, компьютер столлари каби жиҳозларни ишлаб чиқара бошладик. Ишларимиз юришиб, тезда банк кредитларини қайтардим. Ҳозир уч шогирдим билан ишлаяпман. Фаолиятни кенгайтириш учун яқинда «Микрокредитбанк»дан яна йиллик 7 фоизли 7 миллион сўм микрокредит олдим.

Айтиш жоизки, бугунги кунда Шокир акага ўхшаб «Микрокредитбанк» кредитларидан фойдаланиб, ўз ишини йўлга қўяётган юртдошларимиз минглаб топилади. Ўтган йили банк томонидан тадбиркорлик субъектларига 140 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Жумладан, 90 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Яъни банкнинг 2009 йилга мўлжалланган микромолиявий хизматлар кўрсатиш прогноз кўрсаткичи қарийб 1,3 баробарга ортиғи билан бажарилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иш билан банд бўлмаган, илк бор тадбиркорликка қўл урган фуқароларга бошланғич сармоя учун 13 миллиард сўм микрокредит ажратилди. Бошланғич сармоя сифатида микрокредит олган тадбиркорлар жами мижозларнинг 50 фоизини ташкил этаётгани эътиборга моликдир. Бинобарин, микросармоялар ҳажми бирмунча кичиклигини ҳисобга олсак, бу маблағ неча юзлаб тадбиркорларнинг орзу-мақсадларини рўёбга чиқарди. Қолаверса, бу кўрсаткич банк билан ҳамкорлик қилаётган тадбиркорлар сони бетўхтов ўсаётганидан, банкнинг юртимиздаги ҳар бир хонадонга кенгроқ кириб бораётганидан далолат беради. Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдириш ва бизнесини ривожлантириш мақсадларига 51,6 миллиард сўм миқдоридаги микрокредит йўналтирилди. Кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳисобига эса 88064 та иш ўринлари яратилди.

Ўтган йилда банк тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 18,4 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратди. Шунингдек, қишлоқ жойларда якка тартибда меҳнат фаолиятини бошлаган 4451 нафар хотин-қизларга шахсий бизнесларини ташкил этишлари учун банк филиалларида тадбиркорлар дарслари — ўқув семинарлари ташкил этилди ва уларга 5,6 миллиард сўм миқдорида бошланғич сармоя ажратилди.

— Ўтган йили «Микрокредитбанк»дан 2 миллион 800 минг сўм сармоя олиб тикувчилик корхонасини ташкил қилдим, — дейди «Кристалл жемчужина» МЧЖ директори Шоҳиста Эшпўлатова. — Бунинг натижасида маҳалламиздаги 5 нафар аёлни иш билан таъминладик. Айни кунда корхонамизда аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда турли хилдаги аёллар ва болалар либосларини тикаяпмиз. Маҳсулотингиз сифатли бўлса, мижознинг ўзи сизни топиб келаверар экан. Шу боис, бу йил ҳам ушбу банкдан яна сармоя олиб, ишларимизни кенгайтирмоқчиман.

Ёш тадбиркорлар ҳам ҳамиша банкнинг эътиборида. Ўтган йили банк «Камолот» ЁИҲ билан муваффақиятли ҳамкорлик қилди. Ҳаракатнинг аъзоларига тадбиркорликни йўлга қўйиш борасида семинарлар ташкил этилди. Уларга бизнес-режалар тузишда амалий кўмак берилди. Натижада «Камолот»нинг 1252 нафар аъзоси банкка имтиёзли кредит олиш йўлланмаси билан мурожаат этди. Уларнинг 1192 нафарига 2 миллиард 384 миллион сўм миқдорида микрокредитлар берилди. Айни кунда банкнинг жами мижозлари сони 170 мингга яқинни ташкил этмоқда. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 фоизга ортиқдир.

Банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредит ва микролизинг хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш ишларини амалга оширмоқда.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва замонавий хизматлар кўрсатиш йўлида собитқадамлик билан олиб бораётган ишлари туфайли «Микрокредитбанк» йириклиги бўйича Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар берувчи жаҳоннинг энг яхши 100 та банклари сафига кирди ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди. Дунёнинг энг нуфузли «Фитч рейтингс» халқаро рейтинг компанияси томонидан «Микрокредитбанк» акциядорик тижорат банкига — молиявий ҳолати, яъни ўз молиявий мажбуриятларини вақтида бажара олиш қобилиятига узоқ ва қисқа муддатли ҳамда умумий узоқ муддатли йўналишлар бўйича барқарор рейтинг баҳолари берилган.

Тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш борасидаги ишлар юзасидан ўтган йил Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий тадқиқот институтида «Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда микрокредитнинг ўрни» мавзуида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Унда 2006-2008 йил давомида республикамиз тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар таҳлил қилинди. Тадқиқотда «Микрокредитбанк» Ўзбекистоннинг микрокредитлаш тизимида муҳим ўрин тутаётгани, мазкур микромолиявий ташкилот тижорат банклари ичида тадбиркорларга ажратилган кредитлар сони ва ҳажми бўйича етакчи эканлиги эътироф этилди.

Баркамол авлод йилида банкнинг режалари кўп. Касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битириб чиққан ёшларимиз билим ва кўникмаларини тадбиркорлик борасида жорий этиши учун имкон қадар кенгроқ шарт-шароитлар яратиб берилади. Хусусан, бу борада «Микрокредитбанк» ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди. Унга кўра айниқса қишлоқ жойларида таълим муассасаларини битираётган ёшларимизнинг билим ва кўникмаларини амалда жорий этиш учун «Баркамол авлод — келажак пойдевори» мавзуида тарғибот тадбирлари йўлга қўйилмоқда. Келгусида ёшларимизнинг аксарияти ўз фаолиятини кичик бизнес соҳасида давом эттириб, мамлакатимиз иқтисодиётига алоҳида ҳисса қўшиши учун имтиёзли микромолиявий хизматлар ҳам кўрсатилади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Сўзга чиққанлар таъкидлаб ўтдиларки, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда иштирок этишини молиялаштириш учун улар Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмдаги давлат маблағлари партияларнинг ҳисоб-китоб варағига ўз вақтида ва белгиланган тартибда ўтказилди. Маблағлар сиёсий партиялар томонидан сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини, сайловчилар билан учрашувларини, ишончли вакиллар ва бевосита сайлов округларида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга, сайлов кампаниясини ўтказишга доир турли умумпартиявий тадбирларга сарфланди.

Мамлакатимизда қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принципларидир. Партиялар ўзининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларнинг ўз аъзолари ва жамоатчилик учун очиқлигини таъминлайди, фаолиятини молиялаштириш ҳажми ва манбалари ҳақида оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида ахборот эълон қилиб туриши шарт.

Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистоннинг барча сиёсий партиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда молиявий ҳамда бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этдилар. Улар молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисидаги молиявий ҳужжатларни топширдилар. Бунда сиёсий партия томонидан Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сарфланган маблағлар алоҳида ҳисобга олинади. Сиёсий партиялар ҳисоботлари юзасидан уларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини ва уставда назарда тутилган фаолиятни молиялаштириш учун ҳисобот йилида партия ҳисоб-китоб варағига келиб тушган ҳамда сарфланган давлат маблағлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг хулосалари берилди.

Депутатлар ҳисобот ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёнида сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли кучайтирилиши, давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил январь ойида бўлиб ўтган қўшма мажлисида қўйилган вазифалар амалга оширилиши муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлашда парламент назоратининг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий ва кадрлар билан боғлиқ ҳамда бошқа ресурслари ўз дастурий мақсад ва вазифаларини амалда рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга молик эканлиги сабабли улар очиқ-ойдин ва қонуний бўлиши, ҳар доим жамоатчилик назорати остида туриши ғоят муҳимдир. Таъкидландики, кўп партиявийлик тизимининг ривожланиши, парламентда ва жамиятимизда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат кучайиши шароитида бу масала депутатларнинг доимий эътиборини талаб қилади. Депутатлар партияларнинг молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш, сайловчилар билан ишлашнинг замонавий усуллари молиялаштирилиши устидан ички партия назоратини кучайтириш ва амалиётда умумэътироф этилган партиявий технологиялардан янада кенгроқ фойдаланиш кераклиги ҳақида фикр билдирдилар. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган даврда сиёсий партияларга ажратилган бюджет маблағлари имкон қадар оқилона ва тежамкорлик билан ишлатилиши керак.

Сиёсий партияларнинг ҳисоботларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида ўтказилди.

Муҳокама пайтида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2009 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгариш киритилди, Шаҳрисабз шаҳрининг чегараларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

**Мамлакатимизда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўтган йилдаги 50 фоиздан жорий йилда 52,5 фоизга етказиш вазифаси қўйилганлиги тадбиркорларни яратилган имкониятлардан янада оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ундайди.**





Бу борада пойтахтимизда 2005 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Central Asian Construktion» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам изланишларни давом эттирмоқда, йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга муваффақ бўлишмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхонада замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тайёрланаётган бир марта фойдаланиладиган ошхона идишлари ва жиҳозлари, қадоқлаш ашёларига бозорда талаб катта. Шу боис ҳам харидорлар талабини қондириш, буюртмаларни вақтида адо этиш учун цехларга ўрнатилган хорижий дастгоҳ ва ускуналар қуввати ишга солинмоқда, малакали мутахассислар жамоаси ҳар бир янги маҳсулот сифатини таъминлаш борасида изланмоқда.

— Бугунги кунга келиб маҳсулотларимиз турлари 70 хилдан ортиқни ташкил этмоқда, — дейди корхона директори Дилшод Холмуродов. — Полистирол, полиэтилен ҳамда ПВХ хом ашёсидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизга кўплаб компания, фирма ҳамда ташкилотларда, озиқ-овқат саноатида, умумий овқатланиш шохобчаларида талаб юқори бўлиб, ўтган йилда 3 миллиард сўмлик товарни буюртмачиларга етказиб беришга муваффақ бўлдик.

Жорий йилда эса 10 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашни режалаб турибмиз. Эришаётган ютуқларимизда юртимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган катта эътибор муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилда Хитойдан янги дастгоҳ келтириш кўзда тутилган. Ана шу дастгоҳнинг ишга туширилиши натижасида яна 20-30 кишига янги иш ўринлари яратилади. Маҳсулот турларини ҳам кўпайтириш режалаштирилган бўлиб, бу буюртмачи талабидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ўтган йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳамда қатор озиқ-овқат тайёрловчи корхона ва фирмаларнинг буюртмалари уддаланиши баробарида янги маҳсулот турлари ҳам кўпайди. Булар ПВХдан ишлаб чиқарилган салат идишлари, иссиқ овқатлар учун мўлжалланган жиҳозлар ҳамда турли қадоқлаш ашёларидир. Айниқса, қадоқлаш ашёларининг дизайнига алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу борада янги хорижий ускуна тадбиркорларга қўл келмоқда. Дизайнерлар бозорни ўрганиш ҳамда талаб ва таклифлардан келиб чиқиш асносида янги маҳсулотларнинг турларини кўпайтиришмоқда. Албатта, бундай идишларга қадоқланган маҳсулотлар харидор эътиборини жалб этишда муҳим ўрин тутади.

Илк фаолиятини 5-6 нафар ишчи билан бошлаган корхонада айни пайтда 70 нафардан зиёд малакали мутахассис меҳнат қилмоқда. Баркамол авлод йилида эса уларнинг сафини яна ўнлаб йигит-қизлар билан кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

Сўранг, жавоб берамиз

# БУНИ УНУТМАСЛИК ЛОЗИМ

**Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида нималар кўзда тутилган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Гулистон Мирзаева,**
**Миробод тумани**

**Ушбу саволга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси О.Аллаев жавоб беради:**

— Маълумки, Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қатор Фармон ва Қарорлар асосида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчилик ва такрорлаш ҳолатларига барҳам бериш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларини кўзлаб текширишларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини қисқартириш, хўжалик юритувчи фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган.

Ушбу Фармонга кўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилиши, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги белгиланган.

Албатта, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар қандай шахс амалдаги қонун талабларига риоя этган ҳолда ўз фаолиятини олиб борса бирор-бир теширишдан чўчимаслиги лозим.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказилиши тартиби юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»ги низом ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, албатта, қонун талабларига кўра иш юритган тадбиркор давлат ҳимоясида эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

## Наврўзи олам яқин

# ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

**Инсон қалбида эзгулик туйғуларининг қарор топиши оиладан бошланади. Оилаларни эзгулик сари етакловчи маскан эса маҳалладир. Зеро «Маҳалланг — ота-онанг», деб бежиз айтилмаган. Киши ўз маҳалласида яшар экан, кўнглида ҳамиша хотиржамлик ҳисси уйғонади. Негаки ҳар бир оиланинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам маҳалла билан.**



Айниқса, Наврўз байрамига бағишланган тадбирлар кишиларни янада аҳилликка, ҳамжиҳатликка, бирдамликка ундайди. Бу йил ҳам шундай бўляпти. Баҳор борлиққа сепини ёйди. Юртимизнинг ҳар бир гўшасига Наврўзни, меҳр-оқибатни бошлаб келди. Байрам тантаналари қалбларни қувончга тўлдириб, ҳар бир инсонга янги куч, ғайрат-шижоат бахш этмоқда.

Шаҳримизнинг қадимий маҳаллаларидан бири — Учтепа туманидаги «Нишаб арик» маҳалласида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналари барча-барчанинг дилини яшнатиб, янги умидларга тўлдирди. Бинобарин, Наврўз айёми азалдан меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик ифодаси бўлиб келган. Элда тинчлик, барқарорлик қарор топган, гина-кудуратлар унутилган.



— Маҳалламиз аҳли яшариш-яратиш байрамига тайёргарлик тадбирларини уюшқоқлик билан амалга оширганликлари туфайли хонадону кўчалар янада кўркамлашди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собиржон Туропов. — Деярли беш минг киши истиқомат қилаётган маҳалламизда кейинги йилларда анчагина ўзгаришлар юз берди. Боғ-роғлар яратилмоқда. Шу кўкламда яна кўплаб мевали-манзарали дарахтлар экилмоқда. Бугунги байрам шодиёналарида мўътабар қарияларимиз, отахону онахонларнинг ҳурмат-эҳтироми жойига қўйилди. Беморлардан хабар олинди. Ушбу хонадонларга дошқозонларда пиширилган сумалак ва ўзбекнинг шох таоми — палов тарқатилди.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида гузарга чорланган маҳалла аҳли байрам шукуҳидан баҳраманд бўлди. Хуллас, меҳр-оқибат, эзгулик тимсоли Наврўз шукуҳи қалбларни қувончга тўлдирди. Маҳалладошларни улуғвор ишларга илҳомлантирди.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ**

**СУРАТЛАРДА: маҳалладаги Наврўз тантаналаридан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# НАВРЎЗ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

**Маълумки, курраи заминдаги давлатларда турли миллатлар, халқлар йилнинг айрим кунларини махсус байрам қилиб, тантаналар билан нишонлашади. Ҳар бир халқнинг байрамлари моҳияти ўзига хос сиру синоат, маъно-мазмун билан боғлиқдир.**

Мустақилликнинг дастлабки қадамлари Ўзбекистон халқига ўз байрамларини эмин-эркинликда, шоду хуррамликда ўтказиш имконини бериш билан бошланди.

Юртимизда 1990 йили Наврўз байрами кенг нишонланди.Бу қадимий байрамимизнинг амалда қайта тирилиши эди. Юртбошимиз "Наврўз" халқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида махсус Фармон чиқариб, бундан кейин ҳар йили 21 мартни умумхалқ байрами — дам олиш куни сифатида нишонлашни эълон қилди.

Хўш шарқ халқларининг қадимий байрами бўлмиш Наврўз моҳияти қандай ва у қай тарзда нишонланади?

Тарихий манбаларга кўра Наврўз Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг қадимий, анъанавий Янги йил байрами, шодиёна бўлиб, у Аҳмонийлар давридан нишонланиб келинади. Қадимги паҳлавий китоблардаги маълумотларга асосланиб, Абулқосим Фирдавсий ўзининг "Шоҳнома"сида , Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар"да ,Умар Хайём "Наврўзнома" асарида Наврўз байрамининг пайдо бўлиши ва нишонланиши ва урфга айланишини Эрон эпосининг қаҳрамони шоҳ Жамшид номи билан боғлайдилар.

Беруний бу ҳақда шундай афсонани келтиради :" Наврўз куни Жамшид мамлакатида шакарқамиш пайдо бўлган, бу шу вақтгача номаълум эди.Жамшид серсув бир қамишдан шира томчилаётганини кўрган.Уни тотиб кўрган, унда лаззатли ширинлик борлигини билгач, сувини чиқариб, ширасидан шакар ишлашни буюрган.Шакар бешинчи куни кўтариб олинган ва табриклаш учун бир – бирларига ҳадя қилганлар."

Асрлар ўтиши билан Наврўз байрамини ўтказиш маросими турли халқларда уларнинг турмуш тарзига, мафкурасига мослашди. Қадим замонларда Наврўз кунлари одамлар бир – бирларига қанд ҳадя қилишгани юқоридаги ривоят билан боғлиқдир.Одамлар меҳнат орқали эришилган ҳар бир ютуқдан руҳланиб, меҳнат самарасини тантана билан нишонлаши анъана тусини олган.Оқ қанд ва ширинликни ўзбеклар ва Марказий Осиёнинг бошқа халқлари ҳаёт ва бахт рамзи деб билганлар. Шунинг учун тўй ва бошқа маросимларда, айниқса қуда тарафлар бир – бирларига, албатта оқ қанд, оқ ҳолва, парварда ва бошқа қандолатлар юборадилар.

Наврўз байрами ёшини аниқ белгилаш мавҳум бўлсада, тарихчи олим Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асаридаги келтирилган далил бу байрамнинг қадимийлигига бирмунча ойдинлик киритади. Наршахийнинг маълумотига кўра, Наврўз куни Сиёвуш хотирасини эъзозлаб, " ...ҳар йили Наврўз куни қуёш чиқишидан олдин қабри бошида одамлар биттадан хўроз сўйиб... Сиёвуш ўлдирилишига бағишлаб марсия айтиш"лари, сўнгра ўша сўйилган хўрозни қозонга солиб, "қозон тўлди" маросимини ўтказишлари ва бунга уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтгани маълум қилинганига эътибор берилса ва бу китобнинг ёзилганига ҳам қарийб минг йилдан ошганини назарда тутсак Наврўзнинг тўрт минг йилдан зиёдроқ муддатдан бери нишонланиб келинаётганига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит – турк" асарида ҳам баҳор ва Наврўзга бағишланган халқ қўшиқларидан намуналар келтирилган.

Аслини олганда Наврўз байрами баҳор ойига — қишлоқ хўжалик ишларининг бошланиши билан боғлиқ бўлиб, деҳқончилик маданияти шаклланиши тасирида қарор топган.Бу борада Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича: "Наврўз бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган".

Умар Хайём "Наврўзнома" асарида Наврўзнинг жорий қилиниши сабабини айтсак, у шундан иборатки, Офтобнинг икки айланиши мавжуд, улардан бири қуйидагича: Офтоб ҳар уч юз олтмиш беш куну кеча-кундузнинг тўртдан бирида Ҳамал буржининг биринчи дақиқасига чиқиб кетган пайтининг ўзида яна қайтиб келади ва ҳар йили бу давр камая боради.

Жамшид бу кунни тушунгандан кейин Наврўз деб атади ва байрам қилишни одатга айлантирди.Подшоҳлар ва бошқа одамлар ҳам уни қабул қилдилар.

Наврўзнинг табиатга боғлиқлиги шундаки, бир йилда кун ва туннинг ўзаро нисбати билан боғлиқ тўрт нуқта бўлса, шунинг биринчиси Наврўз бўлиб, 21 март, яъни баҳорги тенг кунлик, бир кеча - кундузнинг 12 соати ёруғ, қолган 12 соати қоронғу бўлади. Наврўздан эътиборан энди куннинг ҳиссаси ортиб, туннинг ҳиссаси қисқариб бораверади. Бу жараён то 22 июнгача давом этади. Бунда энди кун — энг узун, тун эса энг қисқа бўлади.23 сентябрга бориб яна кун билан тун тенглашади.Бу кузги тенг кунлик дейилади.Бунинг Наврўздан фарқи шундаки, энди ҳар туннинг ҳиссаси ортиб, куннинг улуши камайиб бораверади ва туннинг энг узун кечаси ва куннинг энг қисқаси бўлади.

Булардан аён бўладики, Наврўз фақат баҳорий кеча ва кундузнинг тенглашган куни — 21 мартни англатмайди, қолаверса, у бир кундагина нишонланадиган байрам бўлмай, балки бир ойча давом этадиган умумхалқ шодиёнаси, баҳор ва деҳқон байрами саналган.

Наврўз катта тайёргарлик билан кутиб олинган.Ҳовли- жойлар тозаланган, чиқиндилар чиқариб ташланган.Маҳалла – кўй ҳашар йўли билан кўча ва хиёбонларни супуришган, арик – зовурларни тозалашган, заруриятга кўра турли хил мева кўчатларини экишган.

Баъзи манбаларда дастлабки бир ҳафтаси( 6-7 куни) — Наврўзнинг биринчи босқичи бўлиб, байрамнинг энг авжига чиққан даври ҳисобланган.Табаррук шу кунлар моҳияти сеҳрли етти рақами иньикосида, Наврўз дастурхонига етти хил таомнинг қўйилиши, етти хил кўкатдан кўк сомса тайёрланиши, етти хил дондан "наврўз гўжа"си пиширилиши, халқ ибораси билан айтганда "илик узилди" яъни тиббиёт тилида одамда витаминларни камайган даври ҳисобланиб, тайёрланадиган таомларнинг витаминларга бойлиги билан боғлиқлиги фанда ўз исботини топган. Шу етти кун давомида турли йўналишдаги беллашувлар, айниқса камончилар мусобақаси ўтказилиб, еттинчи куни нишонга олтин танга қўйилиши каби анъаналарга амал қилинган.

Наврўз ўз даврининг маросимлари билан бошланиб, сумалак, ҳалим сайли, отчопар, улоқ, кураш сингари халқ ўйинлари, сайиллар, баҳор ҳақидаги қўшиқлар куйланган. Булардан ташқари лола сайли, бойчечак, бир- бирларнинг ҳол аҳволидан хабар олиш, ҳашар ва шох мойлаш каби ўнлаб анъаналар билан ап-



рель ойида ҳам давом этган. Наврўзнинг биринчи куни қишлоқ жойларда болалар тўп-тўп бўлиб хонадонлар эшиги олдида Наврўзга бағишланган қўшиқлар айтишган. Хонадон аҳллари уларни совға-салом ва егуликлар билан сийлаганлар. Болалар егуликларнинг бир қисмини қишлоқдаги ёлғиз кексалар ва ногиронларга улашишган.

Наврўз байрами одамларни табиат билан уйғун бўлиб яшашларига ундагани сабабли ҳам баҳорда тантана билан нишонланиши, албатта киши кайфиятини кўтариб юборади, шу жиҳатдан даврлар оша яшовчанлигини тасдиқлатди.

Наврўз деҳқон учун экин-тикиннинг бошланиш палласи.Деҳқон буни қўш қўшиш маросими билан бошлаган. Анъанага кўра, қўш қўшиш маросимини бутун қишлоқ аҳли, асосан яхши ниятда чоршанба куни нишонлаганлар.Далага қўш олиб чиқишдан олдин қишлоқнинг ҳамма хонадонларида ис чиқарилган, хатто қўшга қўшиладиган ҳўкизлар учун махсус кулчалар тайёрланган, барака уруғлари тайёрлаб қўйилган. Бу маросимга ҳар ким имкониятидан келиб чиқиб ўз дастурхони билан қатнашганлар.

Қишлоқнинг энг кекса, серфарзанд ва табаррук отахони, оқсоқол барча йиғилганларни кутлаб, бу йилги экиш ишлари ва ҳосилнинг баракали бўлишини Яратгандан тилаб, қўшга солинадиган ҳўкизлар ёнига борган. Кафтларига мой олиб, ҳўкизларнинг шохларини мойлашган. Сўнгра ўз даврига хос бўлган қўшиқларни айтиб, ҳўкизлар устидан барака уруғини сочишган ва омочга қўшиб чуҳлаб етти қадам жойгача юргизгач, ёшлар омочни қўлга олганлар. Кексалар йилнинг омадли ва фаровон бўлишига дуо, фотиҳа қилишиб қўш қўшиш маросими дастурхони атрофига ўтиришган.Йиғилганлар ўз тажрибаси, режасини, айниқса қайси экинни қай вақтда экиш, қандай парвариш қилиш тўғрисидаги ўзаро тавсиялари билан маслаҳатлашганлар.

Асрлар давомида шаклланган анъанага кўра, Наврўз маросими ўтганлар хотирасини нишонлаш билан якунланган. Марҳумларнинг фарзандлари, қариндош – уруғлари зиёрат учун қабристонларга боришган ва унинг атрофларини тозалаганлар, турли кўчатлар ўтқазганлар.

Наврўз — халқимизнинг минг йилликлар билан бўй ўлчашадиган миллий маънавий қадриятидир.

Қарийб йигирма йилдирки, Наврўзни юртимизда умумхалқ байрамларидан бири сифатида нишонлаш бўйича шунчалар катта тажрибалар тўпландики, биз дунёга байрамларимиз қаторида Наврўзни ҳам кўз – кўз қила олмоқдамиз. Булар халқимизнинг тетик руҳи ва баланд кайфиятини кўрсатади.Байрам тантаналари дастурларига кирган катта – кичик ҳар бир чиқишлар муайян маъно – мазмун касб этиб, эзгу ғоялар илгари сурилади.

Байрамлар, шу жумладан, Наврўз халқимиз миллий ғурурини тиклаш, қалби ва онгига ўз эрки қайтганини сингдириш, эркин нафас олишига туртки бериш, одамлар руҳиятини кўтариб, уларни юрт ободлиги, бунёдкорлик, яратувчанлик ишларига ундаш вазифасини бажариб, халқимиз қалбида Ўзбекистонимизнинг бугуни ва порлоқ келажагига ишонч туйғуларини янада кучайтиради.

**Акрам АКМАЛОВ,**
**Республика миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази маъсул ходими, педагогика фанлари номзоди, доцент**

## Ҳашар — элга ярашар

# ЮРТИМИЗНИ ОБОД ЭТАМИЗ

**Кўклам кириши билан юртимизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, деҳқончилик ишларига ҳозирлик қизғин тусга кирди. Наврўзи оламни муносиб кутиб олиш тараддуди бошланди.**

Шаҳар ва қишлоқларда ҳовли-жойларни, хиёбонларни тартибга келтириш, янги боғлар барпо этиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 мартда қабул қилинган фармойиши бу борадаги тадбирлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир. Унга мувофиқ, март-апрель ойлари қишлоқ ва шаҳарларимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари деб эълон қилинди.

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бу жараёнда ёшларнинг фаоллигини ошириш мақсадида "Юртимизни обод этамиз" тадбирини амалга оширмоқда.

Ёшларни миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш, йигит-қизларни ватанпарварликка, меҳнатсеварликка, табиатни эъзозлашга ўргатиш, уларнинг қалбида меҳр-оқибат, хайр-саховат, катталарга эҳтиром, ёшларга иззат туйғуларини қарор топтириш ушбу тадбирнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, тадбир доирасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилади. "Ҳашар — ёшларга ярашар", "Ҳар бир ёшга — бир ниҳол" лойиҳаларида ёшларимиз фаол иштирок этмоқда. Самарқанд давлат университетининг хиёбонида, Булунғур туманидаги марказий истироҳат боғида, Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги марказий хиёбонда, Наманган вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида ўтказилган ана шундай тадбирлар бунга мисолдир.

Уларга ўқувчи-ёшларни кенг жалб этиш мақсадида таълим муассасаларида, маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. "Энг озода кўча", "Энг фаол эколог" сингари танловлар ташкил этилди.

Ёшларимиз ўзгалар кўмагига муҳтож, боқувчисини йўқотган ёлғиз қариялар, ногиронлар хонадонига, кам таъминланган оилаларга ташриф буюриб, уларга яшаш жойларини тартибга келтиришда ва уй-рўзғор ишларида кўмаклашмоқдалар. Қишлоқ ёшлари фермер ёшлар боғини, корхона ва ташкилотлар ходимлари ўз ҳудудларида "Камолот" ёшлар боғларини яратишга киришдилар.

— "Юртимизни обод этамиз" тадбирларида туманимиз йигит-қизлари ҳам фаол иштирок этмоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирообод тумани бўлими раиси ўринбосари Ҳусан Исаметов. — Корхона ва ташкилотларда, таълим масканларида ёшлар ҳашарлари уюшқоқлик билан ўтаётир. Кўпгина корхоналарнинг ёш мутахассислари, жумладан, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ва "Ўзтемирйўлмаштаъмир" корхонаси ёшлари алоҳида майдонларда "Камолот" ёшлар боғини барпо этиш лойиҳаси бўйича иш олиб бормоқда.

# БОЛАЛАР МУСИҚИЙ ФЕСТИВАЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари марказий офицерлар уйида «Наврўзи олам келди» деб номланган болалар мусиқий-ижодий фестивали бўлиб ўтди.**

Унда Тошкент ва Чирчиқ гарнизонларига қарашли мактабгача таълим муассасалари иштирок этди.

Фестивалдан кўзланган мақсад, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари маънавиятини янада юксалтириш, миллий анъаналаримизни тарғиб қилиш, тарихий маданий меросимизни сақлаб қолиш, болаларнинг ноёб қобилиятларини юзага чиқариш ҳамда мусиқа ўқитувчиларининг касб маҳоратини ошириш орқали ўзаро тажриба алмашишга эришишдир.

Фестивалда Мудофаа вазирлигига қарашли мактабгача таълим муассасаси жамоаларининг бадиий чиқишлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Қувонарлиси, Мудофаа вазирлигига қарашли барча мактабгача таълим муассасалари қошида рақс, моҳир қўллар, рассомчилик, ашула ва спорт тўгараклари ташкил этилган бўлиб, улар ўқувчиларнинг иқтидорларини юзага чиқаришда кўмаклашаётир.

— Бугун болажонларимиз учун қувончли шодиёна, — дейди фестивал ғолиби, 23-мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбари Насиба Умарова. — Болалар ижро этган рақс, куй-қўшиқларда беғубор туйғулари акс этган. Улардан умидимиз катта.

Фестивал якунида иқтидорли жамоаларга Мудофаа вазирлиги томонидан рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

**Эргаш ХЎЖАЕВ,**
**"Туркистон-пресс"**

# МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

**Шу кунларда қадимий байрамимиз Наврўзни муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 мартда қабул қилинган фармойишига мувофиқ, март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари деб эълон қилингани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.**

— Наврўз айёми арафасида маҳалламизни янада кўркам ва обод қилишга астойдил ҳаракат қиляпмиз, — дейди пойтахтимиздаги "Бобур" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсаной Рўзиназарова. — Ўн мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламиз фуқаролари, айниқса ёшлар ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда. Ҳозиргача икки юз тупга яқин арча кўчати ўтқазилди. 13-14 март кунлари ўтказилган умумхалқ ҳашарида эса яна беш юз туп арча кўчати ўтқазилди.

Айни пайтда маҳалла ҳудудидаги ариқлар, оқава сув тизимлари, кўчалар тозаланмоқда, дарахтларга шакл берилиб, гуллар экилаётир.

**(ЎзА)**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2010 йил 11 мартдаги 11-1006/5831-(19)-сонли иш ажримига кўра «OMAX HI-TECH» МЧЖни соддалаштирилган банкрот деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси иш юритиш учун қабул қилинганлиги муносабати билан кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2010 йил 24 март соат 12.00 да «PET-PLAST» МЧЖ биносида ва 2010 йил 25 март соат 15.00 да Тошкент вилояти Хўжалик суди биносида ўтказилади. Ушбу корхонага алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

***Зангиота тумани, Эшонгузар К.Ф.Й. Тошкент Ҳалқа йўли, 4-уй.***

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Таълим муассасаси номи | Манзили | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| | Директорлик лавозимига | | |
| 1 | Сергели енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи | Сергели 1 мавзе Ислом Сатторов кўчаси, 33-уй | |
| 2 | Тошкент саноат касб-ҳунар коллежи | Мирзо Улуғбек тумани Яланғоч кўчаси, 3-уй | |

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
3. Сўровнома (справка-объективка);
4. Таржимаи ҳол;
5. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
6. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
8. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
9. Паспорт (нусхаси);
10. Тавсифнома.
11. Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-31, 252-23-35.***



Хуш келибсан ўлкамга, баҳор!

**Ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Баркамол авлод йили муносабати билан ўқувчи-ёшлар ўртасида баскетбол бўйича мусобақалар ўтказилди.**

Мусобақалар

## ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Юқори савияда ўтган ушбу мусобақа икки босқичда ташкил этилди. Биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритган 35,64, 208-мактабларнинг ўғил болалар жамоалари, 35, 286, 208-мактабларнинг қиз болалар жамоалари мусобақаларнинг финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

— Қизиқарли ва муросасиз курашлар барчада яхши таассурот қолдирди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Мирзо Улуғбек тумани бўлими вакили Д.Қурбонов. — Мақсадимиз ўқувчи-ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, спортга муҳаббат уйғотишга хизмат қиладиган мусобақаларни кўплаб ўтказиш, соғлом турмуш тарзини ёш авлод қалбига сингдиришдир.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Шаҳноза МАҲМУДОВА**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ДОНО АҲЛИНИНГ НАСИҲАТЛАРИ БАЁНИДА

**Носиҳо, панд айтма нодон кўрға,**
**Сочмағил деҳқон уруғни шўрға.**

**Носиҳо, нодонға оғзинг очмағил,**
**Сен товуғ олдиға маржон сочмағил.**

**Кимки нодонға насиҳатлар қилур,**
**Кемани қум узра сургандек бўлур.**

**Сув уза, эй котибо, сурма қалам,**
**Ул хатинг поёни йўқ бўлғай адам.**

**Бермагил нодонға, эй олим, сабақ,**
**Зоҳиринг бўлғай масулу ҳам варақ.**

**Бўлмағай нодон насиҳат қадрини,**
**Билмағай кўзсиз чироғни қадрини.**

**Нодоно, умр ўтти нодонлиғ била,**
**Сарбасар ғафлатда исёнлиғ била.**

**Кимки нодон бехабар умр ўткарур,**
**Маъсият чоҳиға ўзни еткарур.**

**Вой, ул хунсо табиат одамий,**
**Келмагай ўзига асло бир дами.**

**Бир кўнгил бўлғилу бир тутғил кема,**
**Ҳеч оқил тутмағай икки кема.**

### ЯХШИЛИККА БУЮРИШ ВА ЁМОНЛИКДАН ҚАЙТАРИШ ҲАҚИДА

**Олимо, қил амру наҳйидин баён,**
**Амри наҳйи халқ аро тобғай аён.**

**Амри наҳйидин бўлак сен очма лаб,**
**Очсанг албатта бўлурсан беадаб.**

**Халқни бу рост йўлға индагил,**
**Амри наҳйини чандон дегил.**

**Олимо, бекор ила ўлтурмагил,**
**Бидъат ишларни манга**
**қилдурмагил.**

**Аҳли бидъат бирла олим ҳамнишин,**
**Бўлса андин кетгуси иймонудин.**

**Олим улдур туну кун бўлмас малул,**
**Золим улдур бир замон**
**қилмас қабул.**

**Марди олим гўйиё ёнган чироғ,**
**Марги олим гўйиё ўчган чироғ.**

**Қил насиҳат олимо ҳам қил ўзунг,**
**Сен амал қилсанг бўлур**
**бовар сўзунг.**

**Сен қилиб кўргузмай ул**
**қандоғ қилур,**
**Сен қилиб кўргузсанг ул**
**андоғ қилур.**

**Илм бўлса ҳам амал оқил дурур,**
**Билмаса маънини лойаъқал дурур.**

**Ғиллу ғашлардин кўнгулни пок қил,**
**Руҳни сен лойиқи афлок қил.**

**(Давоми бор)**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва Мавжуда РАЗЗОҚОВА тайёрлаган**

**Ниҳоят футбол мухлислари орзиқиб кутган кунлар етиб келди. Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари 1-тур баҳсларини бошлаб беришди.**

Спорт

## МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

«Жар» стадионига йиғилган минглаб мухлислар мамлакатимизнинг етакчи жамоалари — «Бунёдкор» ва «Пахтакор» ўртасидаги турнинг марказий учрашувига гувоҳ бўлишди. Айтиш жоизки, миллий чемпионатда шу кунгача ушбу жамоалар олти марта ўзаро беллашишган ўйинларнинг биттасида «Бунёдкор» 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган, қолган баҳсларда томонлар муроса йўлини танлашган. Шу боис ҳам мутахассислару мухлислар «Тошкент дербиси» номини олган ушбу баҳсни катта қизиқиш билан кузатишди. Аввало, ҳар сафар икки етакчи жамоа ўртасидаги беллашувлар муросасиз, шиддатли курашлар остида ўтишини таъкидлаш лозим. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Учрашувнинг биринчи бўлими 18-дақиқасигача устунлик пахтакорчилар тарафида бўлди. Бироқ мезбонлар дарвозасига уюштирилган хавфли ҳужумларни самарали якунлаш меҳмонларга насиб этмади. Айниқса 18-дақиқада Ривалдонинг ажойиб маҳорат билан Темур Жўраев дарвозасига гол киритиши Радулович шогирдлари кайфиятини тушириб юборди. Иккинчи бўлимнинг 12-дақиқасида пахтакорчилар ҳимоячиларининг қўпол хатоларидан самарали фойдаланган Ристич Жўраев дарвозасини ишғол этиб «Бунёдкор»нинг 2:0 ҳисобида олдинга ўтиб олишини таъминлади. Ушбу гол «Пахтакор» футболчиларини ҳужумкорликка чорладими, ҳар қалай қолган дақиқаларда хавфли вазиятлар асосан мезбонлар дарвозаси томонида юзага келди. Ушбу ҳужумлардан бири Миладиновичнинг голи билан якунланди. Ҳакам томонидан мезбонлар дарвозасига белгиланган жарима тўпини дарвозага Миладинович бехато йўллади ва ҳисобнинг 2:1 га қисқаришини таъминлади. Қолган дақиқалар ҳам анча қизиқарли ҳужумлар остида кечган бўлсада, дарвозаларга бошқа гол киритилмади.

Мамлакат XIX миллий чемпионатининг биринчи тури қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: «Локомотив» — «Нефтчи» — 3:1, «Насаф» — «Шўртан» 0:0, «Динамо» — «Хоразм» — 1:1, «Навбаҳор» — «Машъал» — 0:0, «Қизилқум» — «Металлург» — 0:1, «Андижон» — «Олмалиқ» — 3:2.

**(Ўз мухбиримиз)**

Таълим масканларида

## ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

**Доно халқимизнинг бу мақоли бежиз айтилмаган. Айниқса техника ривожланиб, кўчаларда турли-туман транспорт воситалари қатнови кўпайган ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари долзарб бўлиб турган ҳозирги кунда бу мақолнинг моҳияти алоҳидадир.**



Кўчада ҳаракатланиш пайтида риоя қилиниши лозим бўлган қоидаларни болаларга қанчалик барвақт ўргатсак, шунчалик яхши. Улар ҳам кўча ҳаракатининг фаол иштирокчиси ҳисобланадилар. Болаликдан эгалланган малака осон ўзлаштирилиши билан бирга кўп вақт унутилмайди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда 47-«Ширинтой» мактабгача таълим муассасаси педагогик жамоаси йўл ҳаракати қоидаларини болаларга содда кўринишда, қизиқарли тарзда ўргатишга ҳаракат қилмоқда. Бу жараёнга ота-оналарни жалб қилиш билан бирга, Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг йўл-патруль хизмати билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Болаларнинг бу соҳадаги билимларини кенгайтириш учун педагогларнинг ҳам муайян тушунчаларга эга бўлиши жуда муҳим. Яқинда муассасада бўлиб ўтган машғулотда патруль хизмати нозири Зарифжон Юсупжонов педагогларнинг бу борадаги билимларини синовдан ўтказди. Тайёрланган макетлар, жадваллар, расмли китобчалар, ўйин жиҳозлари ёрдамида болалар билан олиб бориладиган иш самарадорлиги янада ошаётганидан мамнунлигини билдириб, келаси машғулотга янги вазифалар белгилади.

Бу каби ҳамкорликни мунтазам давом эттирилиши билан албатта, болажонлар ва катталарнинг кўчада ҳаракатланиш қоидаларини яхши ўзлаштириши ва амалда тўғри фойдаланишига эришилади.

**Фотима ДАДАХОНОВА**

**СУРАТДА: машғулотдан лавҳа.**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки**



***2010 йил 6 мартдан бошлаб***

**СИЗ УЧУН БОЛАЖОНЛАР!**

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН БАҲОРГИ КАТТА ДАСТУР**

***Дастурда «Ўзбекистон йигитлари» жамоаси артистлари, шунингдек маймунчалар, пакана отлар, ламалар, эчкичалар, кабутарлар, кучуклар қатнашади.***

**ТОМОШАЛАР:** иш кунлари 11.00, 14.00, шанба ва якшанбада 12.00, 15.00 да бошланади.

**Чипталар цирк кассаларида ва туманлардаги кассирлар томонидан сотилмоқда.**



***Пул турлича шаклда тўланиши мумкин.***
***Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.***
***Маълумотлар учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.***

***«ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» ФИЛИАЛИ ПОЙТАХТ АҲОЛИСИ ВА ШАҲРИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ***

*Ҳар бир хонадонга тинчлик, хотиржамлик тилаб, қуйидагиларни эслатиб ўтади:*



***Газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг. Ностандарт газ асбобларидан фойдаланиш, газ асбобларини газ таъминоти тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш, резина ичаклар орқали улаш ҳолатлари газдан бўғилиш, заҳарланиш, ёнғин ва портлаш каби бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Газ асбобларини харид қилиш, ўрнатиш ва таъмирлаш масалалари бўйича тумангаз мутахассисларига мурожаат қилинг.***

Агарда хонадонингизда ёки ертўла ва йўлакларда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз авария-диспетчерлик хизматига ёки марказий авария-диспетчерлик хизматига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

**04; 255-44-27; 255-44-29; 253-56-19; 253-56-31.**

Газ хўжалиги ходимлари етиб келгунга қадар газ жўмрагини беркитинг, эшик-деразаларни очиб хонани шамоллатинг. Гугурт ёқманг, чекманг, электр асбобларидан фойдаланманг, электр чироқларини ёқманг, ёниб турганларини ўчирманг! Юқорида қайд этилган ишлар ўз вақтида бажарилса, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўласиз.

**Байрамингиз кўнгилли ўтсин!**

**«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УК «ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» ФИЛИАЛИ**





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4721 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 206

Топширилган вақти: 14.40